

6-25-2018

# Main tendencies of the development of Law in the present day

M.A. Ahmedshaeva

*Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, m.axmedshayeva@tsul.uz*

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law](https://uzjournals.edu.uz/rev_law)



Part of the [Public Law and Legal Theory Commons](#)

---

### Recommended Citation

Ahmedshaeva, M.A. (2018) "Main tendencies of the development of Law in the present day," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 1.  
Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol2/iss2/1](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss2/1)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).



## MAIN TENDENCIES OF THE DEVELOPMENT OF LAW IN THE PRESENT DAY

M.AXMEDSHAEVA<sup>a</sup>

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

## ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРАВА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

M.AXMEDSHAЕВА<sup>a</sup>

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

## ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ҲУҚУҚ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

M.AXMEDSHAЕВА<sup>a</sup>

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

**Аннотация:** мақолада ҳозирги замон шароитида ҳуқуқ ва унинг ривожланиши тенденциялари давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Бунда глобаллашув шароитида ҳуқуқ ривожининг муҳим тенденциялари бўлган ҳуқуқ устунлиги, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, ҳуқуқ манбалари тизимида қонуннинг ўрни ва роли ошиб бориши кабилар бугунги кун воқеликлари асосида ёритилган. Ўзбекистонда ҳуқуқ ривожининг жамиятни жадал ва инновацион ривожлантириши шароитидаги мавжуд тенденциялари очиб берилган ва шу аснода тегишли назарий-ҳуқуқий таклифлар илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** ҳуқуқ, давлат, қонун, глобализация, ҳуқуқ ривожини, тенденциялар, ҳуқуқ ҳукмронлиги, халқаро нормалар устунлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, “ақлли тартибга солиш”, ҳуқуқнинг жамиятдаги роли.

**Аннотация:** в статье анализируется место и роль права в жизни современного общества и тенденции его развития с точки зрения науки теории государства и права. На основе сегодняшних реалий раскрываются суть и содержание таких основных тенденций развития права как господство права, приоритет международных норм, обеспечение прав человека, повышение роли и значения закона в системе источников права. Также раскрываются тенденции развития права в Узбекистане в условиях ускоренного инновационного развития общества, и на этой основе выдвигаются соответствующие теоретико-правовые выводы и предложения.

**Ключевые слова:** право, государство, закон, глобализация, развитие права, тенденции, господство права, приоритет международных норм, обеспечение прав человека, “умное регулирование”, роль права в обществе.

**Annotation:** the article analyzes the place and role of law in the life of modern society and the tendencies in its development from the point of view of the module of the Theory of State and Law. On the basis of today's realities, the principle and contents of such basic trends in the development of law as the rule of law, the priority of international norms, the provision of human rights, the increase in the role and significance of law in the system of sources of law are revealed. Also, tendencies of development of law in

*Uzbekistan are revealed in the conditions of the accelerated innovative development of society and on this basis the corresponding theoretical and legal conclusions and proposals are put forward.*

**Keywords:** law, state, statute, globalization, development of law, trends, rule of law, priority of international norms, ensuring human rights, “smart regulation” and the role of law in society.

Хуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муҳим восита сифатида тахминан қарийб беш минг йил давомида кишилиқ жамияти ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда. Ўтган тарихий давр мобайнида хуқуқ ва унинг жамиятда тутган ўрни турли объектив ва субъектив омиллар таъсири остида турлича кечган. Шу муносабат билан бугунги глобаллашув шароитида хуқуқнинг жамиятда тутган ўрни қандай, ушбу ижтимоий ҳодисанинг ривожланишида қандай тенденциялар устуворлик қилмоқда, каби саволлар долзарб аҳамият касб этиши табиий.

Бинобарин, биз яшаб турган замон нафақат ўзининг юксак ва шиддаткор ривожини, балки инсоният тарихининг аввалги босқичларига хос бўлмаган хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Ваҳоланки, глобаллашув жараёни бугунги ҳаётимизнинг турли жабҳаларига, айниқса, давлат ва хуқуққа ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Глобализация натижасида бутун дунё ва ундаги барча субъектлар ўртасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида ўзаро боғлиқлик даражаси мунтазам равишда кучаймоқда, бир неча давлатлар ёхуд бутун жаҳон ҳамжамияти биргаликда ҳал қиладиган масалалар ҳамда интеграция жараёнига жалб этилган давлатлар сони кўпаймоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг мисли кўрилмаган ривожини давлат бошқаруви соҳасига ҳам жадал кириб бормоқда. Ижтимоий ҳаётда “электрон давлат”, “электрон ҳуқуқ”, “электрон суд” ва “ақлли тартибга солиш” каби атамалар билан ифодаланадиган аниқ тизимлар давлат бошқарувида тобора ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Глобал алоқа ва мулоқот воситаси бўлган интернетнинг жамият, давлат ва шахс ҳаётига таъсири шу қадар муҳимки, бу жараён нафақат кўплай соҳаларда тегишли чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этибгина қолмай, балки давлатлар ва халқаро ҳамжамият томонидан тегишли ташкилий чора-тадбирлар кўришни ҳам тақозо этмоқда. Масалан, либерал кадрлар шароитида ижтимоий тармоқларда ахборот хавфсизлиги, хусусан, шахсий маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш муаммоси, киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, ёшлар онгига таъсир этувчи турли сайтлар (масалан, “Синий кит”га ўхшаш ёки диний экстремистик, радикал ғояларни ёшлар онгига сингдиришга интилувчи тузилмалар)га қонуний таъсир этиш масалалари каби.

Маълумки, халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон жаҳонда кечаётган чуқур ва мураккаб жараёнлар таъсиридан холи бўла олмайди. Глобаллашув жараёни аксар давлатлар учун умумий бўлган вазифа ва муаммоларни бизнинг жамиятимиз олдида ҳам қўяётганлиги аниқ ҳолатдир. Аввало, бугунги **мамлакатимизнинг жадал ва инновацион ривожланиш йўлидан бораётган бир шароитда** инсон ҳуқуқларини, хусусан, бола ҳуқуқлари, аёлларнинг реал тенглигини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада кўтариш, ишсизликни камайтириш, ижтимоий адолатни кучайтириш, давлат органларини халққа, унинг муаммоларини ҳал этишга қаратиш, ошкоралиқни кучайтириш, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар давлат ва хуқуқ олдида ҳам янгидан янги вазифаларни қўймоқда.

Шунга боғлиқ ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда жамиятни тубдан янгилашга қаратилган чуқур ислохотлар тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда. **“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”** ва **“Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган ва босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган туркум чора-тадбирлар давлат ҳокимияти органлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтаришга қаратилганлиги билан тарихий аҳамият касб этмоқда.** Бинобарин, ушбу ислохотлар жараёнида ва натижасида **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим. Мамлакатимизда аҳолининг турмушини яхшилаш ва енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмуни Ўзбекистон давлатининг ижтимоий ва халқпарвар моҳиятини янада намоён этмоқда.

Жамиятда кечаётган жараёнларнинг шиддатли тезлашуви, ижтимоий муносабатлар ривожининг интенсивлашуви ва бошқа ҳолатлар ҳам давлат-ҳуқуқий ривожланишга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта.

Айни пайтда мураккаб ва шиддатли ривожланаётган глобализация жараёнлари ва нобарқарор халқаро аҳвол шароитида ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи роли тобора ошиши жараёни юз бермоқда. Бу ҳолат, албатта, ҳуқуқ ривожига, унинг жамият, давлат ва инсонлар ҳаётида тутган ўрнига таъсир этмай қолмайди

Ижтимоий муносабатларнинг тезкор, айрим ҳолларда прогноз қилиш қийин бўлган ҳолда ривожининг ҳозирги замон ҳуқуқи олдида жуда мураккаб вазифаларни қўйиши шубҳасиз. Шу муносабат билан ҳозирги замон ҳуқуқи ривожининг қандай тенденцияларга эга деган савол туғилиши табиий.

Илмий манбаларда кўрсатилганидек, бугунги кунда ҳуқуқ ривожининг глобал миқёсдаги тенденциялари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Глобаллашув жараёнлари ва ахборот коммуникация воситаларининг мисли кўрилмаган ривожининг давлатлар ва халқлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ривожланишига кучли туртки бўлмоқда. Ҳамкорлик муносабатлари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларининг қамраб олмақда. Айниқса, ҳуқуқий ҳамкорлик ҳам янги мазмун кашф этиб, тобора ривожланиб бормоқда. Миллий-ҳуқуқий тизимларнинг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро муносабатларининг кучайиши, **халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги** ҳуқуқ ривожининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади;

Бутун дунё давлатларида ҳатто анъанавий тарзда ҳуқуқ манбалари тизимида суд прецеденти юқори ўринга эга бўлган англо-саксон ҳуқуқий тизимларида ҳам ёзма шаклдаги, позитив ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ва судда низоларни ҳал этишда **қонуннинг роли ортиб бориши кузатилмақда**. Бунинг боиси маълум даражада позитив ҳуқуқнинг шаклан аниқлиги, умумлаштурувчилиги, тизимлаштирилганлиги каби жиҳатлари билан тавсифланади. Дарҳақиқат, қонун бугунги кунда ҳуқуқ манбаси сифатида мураккаб ижтимоий муносабатларни тартибга солишда самарали роль ўйнамоқда;

Бугунги кунда демократик ривожланиш йўлидан кетаётган ҳар бир давлатнинг қанчалик демократик қадрият ва принципларга содиқлигини кўрсатувчи мезонлардан бири – инсон ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояланганлигидир десак хато қилмаймиз. Шу боисдан ҳам ҳозирги замон ҳуқуқининг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамлаш ва таъминлашдир. Шунга боғлиқ ҳолда ҳуқуқ ривожининг бугунги кундаги яна бир тенденцияси – **ҳуқуқда борган сари инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамланиши** ва миллий қонунчиликда тобора халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари сингиб бормоқда;

XXI аср шиддаткор, глобал тусдаги воқеа ва ҳодисаларга бой аср сифатида кўз олдимизда намоён бўлиши баробарида юқорида ҳам қайд этилганидек, ҳуқуқ олдида ҳам кўплаб мураккаб муаммоларни қўндаланг қўймоқда. Янги-янги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, кутилмаган муаммоларнинг вужудга келиши каби ҳолатлар ҳуқуқдан тегишлича мос ва хос шаклда, айрим ҳолларда тезкорлик билан тартибга солишни талаб қилади. Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда ҳуқуқ ривожининг **яна бир тенденция – ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг чуқурлашувини** кўрсатиб ўтиш керак. Дарҳақиқат, ҳуқуқ нормалари ижтимоий муносабатларни тобора аниқлаштирган, конкретлаштирган ҳолда тартибга солишмоқда. Ҳуқуқий тартибга солишнинг қайси соҳасини мисол қилиб олмайл�к, ушбу фикрнинг исботини топиш мумкин. Солиқ соҳасини, божхона соҳасини ёхуд маъмурий муносабатлар борган сари янги-янги нормалар орқали батафсил тартибга солишмоқда.

Олимлар ўринли таъкидлаганларидек, ҳуқуқ ривожининг замонавий тенденцияларидан бири – замонавий ҳуқуқий тизимларининг **манбалари мазмун-моҳиятида юз бераётган ўзгаришлардир**. Ушбу тенденция ўзида икки жиҳатни ифода этади: бир томондан, бутун дунё давлатлари ҳуқуқий тизими манбалари ичида **қонун ролининг ошиб бориши** ва англо-саксон ҳуқуқий оиласига мансуб давлатларда ҳам классик прецедентлар маълум даражада “шарҳлов прецедентлари” томонидан “сиқиб чиқарилмоқда” [1], иккинчи томондан эса роман-герман ҳуқуқига мансуб мамлакатларда эса тобора суд қарорларининг, айниқса, юқори судлар Пленуми қарорларининг роли ортиб бориши ҳолатини кузатиш мумкин. Иккинчи ҳолатда суд ўзи мустақил ҳал этадиган ҳолатлар (судебное усмотрение, (judicial discretion) доирасининг кенгайтилишини кўрсатиш зарур. Шу муносабат билан олимлар ўртасида суд қарорлари ҳуқуқ манбаси ҳисобланадими ёки йўқми, деган масала мунозарага сабаб бўлмоқда.

Манбаларда кўрсатилганидек, ҳуқуқ ривожининг яна бир тенденцияси – бу миллий-ҳуқуқий тизимда **иқтисодий ва социал соҳага оид нормаларнинг кўпайиши**. Глобаллашув шароитида бу табиий жараён, чунки иқтисод ҳар бир давлатнинг ривожланиши, аҳолисининг турмуш

фаровонлиги ортиши ва давлатнинг халқаро ҳамжамиятда ва жаҳон бозорида тутган ўрнига жиддий таъсир этувчи омил.

Бундан ташқари, илмий манбаларда ҳуқуқ ривожининг яна бошқа қатор тенденциялар, жумладан, **конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри ҳаракати, халқаро ҳуқуқ нормалари устувлиги, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, қиёсий ҳуқуқнинг интенсификациялашуви, давлатлар, халқлар ўртасида ҳуқуқий алоқаларнинг ривожланиши, давлатлараро ва давлатлар устидан турувчи халқаро ташкилотлар ҳуқуқларининг ривожланиши, дунё давлатлари ҳуқуқининг унификациялашуви, ҳуқуқнинг глобаллашуви ва стандартлашуви кабилар илгари сурилади.**

Шу тарика ҳуқуқ ривожининг юқорида қайд этилган тенденциялари у ёки бу тарзда кўпчилик ҳуқуқий тизимларга мансубдир. Ўзбекистон ҳуқуқий тизими ҳам жаҳон ҳуқуқий харитасида ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги баробарида ўзида ҳуқуқ ривожининг замонавий тенденцияларини акс эттиради.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрнининг ортиб боришида, қабул қилинган ҳуқуқ нормаларининг жамият иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига, муносабатлар ривожига таъсирини кучайтириш борасида муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда “Мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлиги қандай” деган савол туғилади. Аввало, масаланинг таҳлилига киришишдан олдин, биров ҳуқуқ назариясининг айрим муҳим қоидаларини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари қонун билан тартибга солиниши керак. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси биринчи қисмида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади” деб мустаҳкамлаб қўйилган. Айни пайтда қонун ижтимоий муносабатларни умумий тарзда тартибга солади ва шу боис доимо унинг нормаларида ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлашнинг иложи бўлавермайди. Шунга кўра, ҳар бир қонун қабул қилиниши билан унинг бевосита ижросини таъминлашга қаратилган қатор қонун ости ҳужжатлари қабул қилинади. Бу муайян маънода объектив тусга эга бўлган жараён. Бироқ шундай ҳолатлар кузатиладики, бунда амалда қонунларда, **бир томондан**, умумий, яъни бевосита ижтимоий муносабатларни умумий тарзда тартибга соладиган, умумий йўналиш берадиган нормаларнинг ҳажми кўпайиб кетаётганлигини, **иккинчи томондан** эса ушбу қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган қонун ости ҳужжатлари сонининг ҳам кўпайиб кетиши ҳолатини кузатишимиз мумкин.

Бу ҳолатда мантиқан ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари сонининг тезкор ошиб бориши, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш самарадорлигини оширишга олиб келиши керак. Бироқ амалда бу ҳолат кам кузатилаётганлигини таъкидлашга тўғри келади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бу борадаги ишларни ташкил этишда, авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур...” [2].

**Қонунлар ижросини таъминлаш масаласи ҳамон ўз ечимини топмай**, бугунги жадал ва инновацион ривожланиш талабларидан ортда қолмоқда. Бунда “Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир [3].

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрда қабул қилинган “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ–443-сонли Қонуни [4], шунингдек ишлаб чиқилаётган ва қабул қилиниши режалаштирилаётган норма ижодкорлик Концепцияси ҳам ўз мазмунига кўра юқоридаги вазифаларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## References:

1. Globalizatsiya i razvitiye zakonodatelstva. / Otv. red. Yu.A.Tixomirov, A.S.Pigolkin. - M., 2004. - S.36-41.
2. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasining saylangan Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston

Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi // <http://www.uza.uz>.

3. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O‘zbekiston Respublikasining saylangan Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24-yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi // <http://www.uza.uz>.

4. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - 2017. - №36. 944-modda.